

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси тизимида кадрлар билан ишлаш бўйича

ЙЎРИҚНОМА

- I. Умумий қоидалар.
- II. Раҳбар ва масъул ходимлар лавозимларига номзодларга қўйиладиган талаблар.
- III. Раҳбар ва масъул ходимлар лавозимларига кадрларни танлаш ва келишиш тартиби.
- IV. Раҳбар ва масъул ходимлар лавозимларига кадрлар захирасини шакллантириш ва улар билан ишлаш.
- V. Кадрлар ва фаоллар ўқувини ташкил этиш.
- VI. Яқуний қоидалар.

I. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Йўриқнома:

партия ташкилотларида ишлаётган ходимларнинг салоҳиятини ошириш, тизимга етук, билимли, етарли тажриба ва малакага эга бўлган, ташаббускор кадрларни жалб этиш, раҳбарлик лавозимларига тавсия этилаётган номзодларнинг етакчилик қобилиятларини баҳолашга тўғри ва ҳаққоний ёндошиш, лавозимларга номзодлар кўрсатишда ижтимоий адолатни таъминлаш;

ёш, истиқболли ходимларни партия тизимида раҳбарлик лавозимларига босқичма-босқич тайёрлаб бориш мақсадида кадрлар захирасини шакллантириш ва улар билан ишлашни ташкил этиш;

партия тизимида кадрлар малакасини ошириш, кадрлар ва фаоллар ўқувларини ташкил этишнинг яхлит тизимини шакллантиришга қаратилган.

1.2. Йўриқнома Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси тизимидаги ташкилотларнинг раҳбар ва масъул ходимлари лавозимларига номзодларга қўйиладиган талаблар доирасини, мазкур лавозимларга кадрлар захирасини шакллантириш ва улар билан ишлаш, сайлаб қўйиладиган ва тайинланадиган раҳбарлик лавозимларига номзодлар танлаш ҳамда келишиш тартибини, шунингдек кадрлар ва фаоллар ўқувини ташкил этишнинг асосий йўналишларини белгилаб беради.

II. Раҳбарлик ва масъул ходимлар лавозимларига номзодларга қўйиладиган талаблар

2.1. Мазкур Йўриқномадаги **раҳбарлик** лавозими атамаси:

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотларида сайлаб қўйиладиган раҳбарлик лавозимлари - туман, шаҳар, ҳудудий Кенгаш Ижроия қўмитаси раиси, раис ўринбосарлари, Марказий Кенгаш Ижроия Қўмитаси раиси ва раис ўринбосарлари лавозимларига;

партия матбуот органлари бош муҳаррирлари, партия тасарруфидаги муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда раҳбар ўринбосарлари лавозимларига нисбатан қўлланилади.

2.2. Мазкур Ўйриқномадаги **масъул ходим** лавозими атамаси барча даражадаги партия ташкилотлари девонларида, тасарруфидаги муассаса ва ташкилотларда масъул лавозимларда ишлаётган бўлим бошлиқлари, мутахассисларга нисбатан қўлланилади.

2.3. Раҳбарлик лавозимларига, шунингдек масъул ходимлар лавозимларига кўрсатилаётган номзодларга қўйиладиган талаблар қуйидаги мезонларни ўз ичига олади:

кенг дунёқарашга эга ва мустақил фикрлайдиган бўлиши, ўз соҳасини ва партия ташкилотлари ишини яхши, чуқур билиши;

республикада амалга ошириладиган ислохотлар мазмун-моҳиятини англаши ва партия аъзоларига етказа олиши;

иш берувчилар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан ижтимоий шериклик асосида иш олиб бора олиши;

топширилган вазифага масъулият билан ёндошиши, ташаббускорлиги, изланувчанлиги, маданий-маърифий савияси, ўзининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий билимлари даражасини ошириб бориши;

ташкilotчилик хислатларига эга бўлиши, инсонларни ўз ортидан эргаштира олиши ҳамда ягона ғоя ва мақсадни амалга ошириш учун уларни бирлаштириши;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан бугунги кун талаблари даражасида фойдалана олиши;

махсус маълумотни талаб этадиган лавозимларга тегишли мутахассислик бўйича олий маълумотга ва амалий тажрибага эга бўлиши.

Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжати (дипломи) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган тартибда нострификацияланмаган (эквивалентлиги қайд этилмаган) ходимлар партия тизимларида раҳбарлик ва масъул ходим лавозимида ишлашлари мумкин эмас.

III. Раҳбар ва масъул ходимлар лавозимларига кадрларни танлаш, тайинлаш, келишиш ҳамда суҳбатдан ўтказиш тартиби

3.1. Раҳбарлик ва масъул ходимлар лавозимларига кадрларни танлаш ва жой - жойига қўйиш масаласида юқори ташкилотлар билан келишиб олишдан мақсад, лавозимга касб маҳорати жихатидан тайёргарлиги, билим даражаси етарлича бўлмаган ёки ахлоқий фазилатларига кўра номуносиб шахсларнинг кўрсатилишига йўл қўймаслик, тавсия этилаётган номзод ҳар томонлама ўрганилган ҳолда тўғри танланишини таъминлаш, партия кадрларининг ишчанлик фазилатлари ва салоҳиятини баҳолашга субъектив ёндошишнинг олдини олишдан иборатдир.

Кадрларни танлаш ва келишиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

3.2. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмиталари раислари ва уларнинг ўринбосарлари партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раҳбарияти томонидан танланади, мазкур партия ташкилоти Кенгаши Ижроия Қўмитаси аъзолари

билан келишилади ҳамда тегишли ҳудудий партия ташкилоти Кенгашининг муҳокамасига қўйилади.

3.3. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси матбуот органи – “Миллий тикланиш” газетасининг Бош муҳаррири партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раҳбарияти томонидан танланади, Марказий Кенгаш Ижроия Қўмитаси аъзолари билан келишилади ҳамда Марказий Кенгаш Пленуми муҳокамасига қўйилади.

3.4. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси туман (шаҳар) Кенгаши Ижроия Қўмиталари раислари ва уларнинг ўринбосарлари ҳудудий партия ташкилоти раҳбарияти томонидан партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раҳбарияти билан ҳамкорликда танланади, мазкур маҳаллий партия ташкилоти Кенгаши Ижроия Қўмитаси аъзолари билан келишилади ҳамда туман (шаҳар) Кенгаши йиғилиши муҳокамасига қўйилади.

3.5. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси тасарруфидаги муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда раҳбар ўринбосарлари партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раҳбарияти томонидан танланади ҳамда Марказий Кенгаш Ижроия Қўмитаси мажлиси муҳокамасига қўйилади.

3.6. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони раҳбари ва бўлим бошлиқлари Марказий Кенгаш Ижроия Қўмитаси раҳбарияти томонидан танланади, Марказий Кенгаш Ижроия Қўмитаси раиси буйруқ билан уларни лавозимга тайинлайди ҳамда меҳнат шартномаларини тузади.

3.7. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳудудий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони раҳбари ҳамда бош ҳисобчилари ҳудудий партия ташкилоти раҳбарияти томонидан партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раҳбарияти билан ҳамкорликда танланади ҳамда Марказий Кенгаш Ижроия Қўмитаси раисининг буйруғи билан лавозимга тайинланади, меҳнат шартномаси тузилади.

3.8. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони масъул ходимлари Марказий Кенгаш Ижроия Қўмитаси раиси ва тегишли йўналиш бўйича раис ўринбосари томонидан танланади, Марказий Кенгаш Ижроия Қўмитаси раиси буйруқ билан улар лавозимга тайинланади ҳамда меҳнат шартномаси тузилади. Барча даражадаги ходимлар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига белгиланган тартиб асосида амалга оширилади.

3.9. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳудудий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони масъул ходимлари ҳудудий партия ташкилоти раҳбарияти томонидан танланади, партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раҳбарияти билан келишилади ҳамда тегишли ҳудудий партия ташкилоти Кенгаши Ижроия Қўмитаси раисининг буйруғи билан лавозимга тайинланади, меҳнат шартномаси тузилади.

3.10. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси туман (шаҳар) ташкилоти масъул ходими маҳаллий партия ташкилоти раҳбарияти томонидан ҳудудий партия ташкилоти раҳбарияти билан ҳамкорликда танланади, Марказий Кенгаш Ижроия қўмитаси раҳбарияти билан келишилади ҳамда тегишли маҳаллий партия ташкилоти Кенгаши Ижроия Қўмитаси раисининг буйруғи билан лавозимга тайинланади, меҳнат шартномаси тузилади.

3.11. Мазкур Йўриқноманинг 3.2., 3.3., 3.5., 3.6., 3.7.-бандларида кўрсатилган лавозимларга номзодлар Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раҳбариятининг суҳбатидан ўтадилар.

3.12. Мазкур Йўриқноманинг 3.4.-бандида кўрсатилган номзодлар тегишли ҳудудий партия ташкилоти раҳбариятининг суҳбатидан ўтадилар.

Номзодларни суҳбатдан ўтказишни ташкил этиш тегишли Кенгаш Ижроия Қўмитасининг Ташкилий, партиявий ва кадрлар масалалари бўлими (ёки ушбу масалалар бўйича масъул ходим) томонидан амалга оширилади.

3.13. Барча даражадаги масъул ходимлар лавозимларига номзодларни танлаш, танланган номзоднинг партия тизимидаги фаолияти учун масъулият тегишли партия ташкилоти раҳбари зиммасига юклатилади.

3.14. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси тизимида раҳбарлик ва тайинладиган масъул ходим лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга қуйидаги ҳужжатлар тайёрланади:

1. Сўровнома (Шахсий варақа).
2. Таржимаи ҳол (номзод томонидан ўз қўли билан тўлдирилган).
3. Маълумотнома (яқин қариндошлари кўрсатилган ҳолда).
4. Малака мутахассислиги тўғрисида диплом нусхаси.
5. 3x4 ҳажмда икки дона рангли фотосурат.
6. Паспорт нусхаси.
7. Лавозимга тавсия этаётган қуйи партия ташкилотининг тавсия хати (сайлаб қўйиладиган лавозимлар учун).

IV. Раҳбар ва масъул ходимлар лавозимларига кадрлар захирасини шакллантириш, захирадаги кадрлар билан ишлаш

4.1. Раҳбар ва масъул ходимлар лавозимларига муносиб кадрларни тизимли равишда тайёрлаб бориш мақсадида барча даражадаги партия ташкилотлари раҳбарлари, масъул ходимлари лавозимларига кадрлар захираси шакллантирилади.

Раҳбар ва масъул ходимлар лавозимларига камида 3 тадан ходим захирага олинади, захирани шакллантиришда номзоднинг иш тажрибаси, захирага олинаётган лавозимда ишлаш хоҳиши, шунингдек унинг салоҳияти айни вақтда лавозимда ишлаб турган ходимдан паст бўлмаслигига алоҳида эътибор қаратилади.

4.2. Кадрлар захирасига партия тизимларида, давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, жамоат ташкилотларида фаолият юритаётган ходимлар киритилиши мумкин. Махсус маълумотга эга бўлишни талаб этадиган лавозимларга кадрлар захирасига киритилган ходимлар шу йўналиш бўйича олий маълумотга эга бўлиши шарт.

4.3. Тегишли партия ташкилоти раҳбарлари, раҳбар ўринбосарлари, масъул ходимлари лавозимларига кадрлар захираси мазкур партия ташкилоти раҳбари томонидан тасдиқланади ҳамда келишилган тартибда юқори турувчи ташкилотга тақдим этилади.

4.4. Захирага олинган ходимларни лавозимга босқичма-босқич тайёрлаб бориш, касбий билим, малака ва кўникмаларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида уларнинг амалиёт ўташлари жорий этилади.

4.5. Захирага олинган кадрларнинг амалиёт ўташ жадвали тегишли партия ташкилоти раҳбари томонидан тасдиқланади ҳамда унинг ижроси юзасидан масъулият мазкур раҳбар зиммасига юклатилади (бошқа ташкилотлардан захирага олинган кадрларнинг амалиёт ўташи тегишли ташкилот раҳбарияти билан келишилган ҳолда амалга оширилади).

V. Кадрлар ва фаоллар ўқувини ташкил этиш

5.1. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси тизимидаги кадрлар ва фаолларнинг малакасини ошириб бориш мақсадида уларнинг ўқувлари мунтазам равишда ташкиллаштириб борилади.

5.2. Кадрлар ва фаоллар малакасини ошириш:

Марказий Кенгаш Ижроия Қўмитаси томонидан тасдиқланган ўқув режаларига, шунингдек тегишли партия ташкилотининг режаларига мувофиқ семинарлар, ўқувлар ва шу йўналишдаги бошқа тадбирлар ўтказиш;

ўзаро ҳамкорлик доирасида республикадаги бошқа ўқув марказлари, малака ошириш муассасаларига малака оширишга йўллаш орқали амалга оширилади.

5.3. Партия ходимлари ва фаолларини ўқитишнинг яхлит тизимини шакллантириш мақсадида қуйидаги тартиб белгиланади:

туман (шаҳар) партия ташкилотлари томонидан - бошланғич партия ташкилотлари раислари ва фаоллари ўқуви (зарур ҳолларда ҳудудий партия ташкилотларининг тегишли мутахассисларини жалб этган ҳолда);

ҳудудий партия ташкилотлари томонидан - туман, шаҳар партия ташкилотлари ходимлари, фаоллари, йирик бошланғич ташкилотлар раислари ва фаоллари ўқуви (зарур ҳолларда Марказий Кенгаш Ижроия Қўмитаси девонининг тегишли мутахассисларини жалб этган ҳолда);

Марказий Кенгаш Ижроия Қўмитаси томонидан – барча даражадаги партия ташкилотлари ходимлари ва фаоллари ўқуви ташкил этилади.

5.4. Ўқув режалари, дастурлари ўқишни ташкил этаётган тегишли Кенгаш Ижроия Қўмитаси томонидан тасдиқланади.

5.5. Ўқувларда малака оширган тингловчиларга ўқув дастурини ўзлаштиришига мувофиқ равишда тегишли сертификатлар берилиши мумкин.

VI. Яқуний қоидалар

6.1. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, раҳбарлик ва масъул ходимлар лавозимларига кадрлар захирасини шакллантириш, захирадаги кадрлар билан ишлаш, кадрлар ва фаоллар ўқувини ташкил этиш мазкур Йўриқномага риоя этган ҳолда амалга оширилиши юзасидан масъулият тегишли партия ташкилоти раҳбарлари зиммасига юклатилади.